Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 160 (7. 249) 1990 йил 18 июль, чоршанба Баҳоси 3 тийин.

ЖУМҲУРИЯТ ФАОЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти, КПСС XXVIII съездининг делегати И. А. Каримов 17 июль куни Тошкентда жумҳурият фаолларининг вакиллари билан учрашди.

У яқинда тугаган партия анжуманининг иши тўғрисида батафсил гапириб берди, съезд қарорларидан келиб чиқадиган бир қанча кечиктириб бўлмайдиган вазифаларга тўхталди, ҳозир бўлганларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Учрашув тўғрисидаги ҳисобот эълон қилинади.

Озиқ-овқат дастури бўғинлари

ТЕКШИРИШ ФАОЛЛИК ЕТИШМАЁТГАНИНИ КЎРСАТДИ

4-турар жой шаҳарчасида жойлашган 14-магазинда савдо қизғин борарди. Кўпгина харидорлар нок ва олхўриларни бажонидил сотиб олишар, сутовчилар эса навбатни асло ушлаб қолмасликка ҳаракат қилишарди. Бу ерга текширувчилар қиё боқишди-ю уларнинг тинчи бузилди. Текширувчилар шундай ҳолларни аниқлашдики, бу ерда савдо сохта ҳужжатлар асосида олиб борилаётган экан. Яъни нокнинг баҳоси 20 тийин, олхўрининг баҳоси эса 12 тийинга ошириб қўйилган экан. Энди шу воқеадан кейин бу ёғи нима бўлишини билиш унчалик қийин бўлмаса керак. Ҳозирча шуни айтмоқчимизки, бу фактлар юзасидан материаллар БХСС органларига оширилди.

Мева ва сабзавотлар билан савдо қилишда харидорлар ҳақига хиёнат қилиш ва тароздан уриб қолиш ҳоллари ҳамон давом этиб келмоқда. Меҳнатни ташкил этишнинг янги шакллари жорий этилганига қарамасдан магазинларнинг айрим ходимлари ҳамма жойда ҳам ишларни яхшилашга интилишяпти, деб бўлмайди. Гап тез бузиладиган моллар билан савдо қиладиган магазин ходимлари ҳақида бормоқда. Улар учун сабзавотларни саралаб ўтиргандан кўра бекор ўтирган яхшироққа ўхшаб туюлади. Кейин уларни сақлаш бўйича чораларга кўришга эринчоқлик қиладилар. Узоққа бормасдан битта мисол келтирмоқчимиз. Фрунзе район улгуржи-чакана савдо мева-сабзавот комбинатининг 6-магазинидан молларга озуқа учун июль ойида 375 сўмлик мева ва сабзавот маҳсулотлари олинган. Бунинг натижасида даромад бир сўм 50 тийинни ташкил этган. Йил бошидан буён ана шу комбинат бўйича 13,6 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бузилган.

Ҳамза район улгуржи-чакана савдо мева-сабзавот комбинатининг 12-магазини сотувчилари харидорларни интиқлик билан кутишди. Бироқ бу ерга кирганларнинг биронтаси сифатини йўқотган, айрим бошлаган олма ва шафтолиларга ҳеч боқишмади. Ҳамза район озиқ-овқат савдоси идораси 36-магазинида ҳам мева ва сабзавотларнинг сифати Сотмон. Шу куни олиб чиқиб кетилган 35 килограмм олхўрининг учдан бир исми бузилган эди. Оржоникидзе район идаги «Правда» колхози вакиллари — юртмачилар ўз шартнома мажбуриятларини ана шундай ноҳалоллик билан бажардилар.

Холисона айтиб ўтиш керакки, Сергели район улгуржи-чакана савдо мева-сабзавот комбинатининг 2-ва 4-магазинлари молларининг тури кўп. Аммо бу ерда ҳам аъло сифатли маҳсулот йўқ ҳисобидир. Куйбишев район улгуржи-чакана савдо мева-сабзавот комбинатининг 5/2-магазинида эса помидор, бодринг, шафтоли, ўрик сотувда йўқ эди. Харид қилинган сабзи ва лавлаги эса анча ўз ҳажмини (ёфасини) йўқотган.

Бизда «Дала — магазин» усули бўйича сабзавотни узлуксиз етказиб бериш тўғрисида кўпдан буён гап боради. Бу ишнинг асосий фазилати шундаки, бу усулда янги маҳсулотлар сотувчиларга ортиқчасига ташланмасдан етказилади. Бироқ бу усулни ҳаётга татбиқ этишда ҳам ҳали кўплаб камчиликлар учрамоқда. Масалан, маҳсулотларни етказиб берувчи Янгийўлнинг «Ҳалқобод» деҳқончилик саноати комбинати, Калинин районидаги Свердлов номли совхоз маҳсулотлар етказиб бериш графигига амал қилмаяпти. Ўрнига эса, бу у ёқда турсин, яъни йиғиб олинган мевалар-сабзавотларни улгуржи-чакана савдо мева-сабзавот комбинатларига жўнатиш ўрнига уларни матлубот базаларга жўнатиб юборишяпти. Оржоникидзе райони хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини юбориш бўйича шартнома мажбуриятларини ёмон бажармоқдалар. Масалан, «Қибрай» совхози Куйбишев район улгуржи-чакана савдо мева-сабзавот комбинатига 3 тонна бодринг, 10 тонна сабзи, 30 тонна лавлаги, 66 тонна картошка бериши керак эди. Аммо бор-йўғи 15 тонна картошка берди, холос. «Қизил Ўзбекистон» колхози ва Оржоникидзе номли совхоз шартнома мажбуриятларини қониқарсиз бажармоқда. Ҳатто фирма магазинлари ҳам ўз хўжаликлари томонидан маҳсулотлар билан таъминланмаган бир кезда давлат савдоси ҳақида гапириш ортиқча. Бу йил Янгиқўрғондаги «Победа» совхози, Оржоникидзе районидаги «Қибрай» деҳончилик саноати комбинати ва Қува районидаги матлубот савдосининг 4-турар жой шаҳарчасида жойлашган идораси бу йил мутлақо фирма магазинларига маҳсулотлар етказиб беришмади.

Энг сара ва ранг-баранг маҳсулотларни — шафтолию қирмизи олмалар, узум ва номидорлар, бодринг, олча ва олхўриларни тошкентликлар фақат колхоз бозорларидан сотиб олишлари мумкин. Ўшанда ҳам бозордаги давлат сабзавот магазинлари ва дўкончаларидан эмас, бозордан сотиб олишлари мумкин. Уларнинг эса рақобатчилари йўқ, шунинг учун ҳам нархнавоси осмонда. Хўжаликларнинг ўзлари ҳам бунга йўл очиб беришяпти. Фактларга мурожаат қилайлик. Биринчи ярим йилликда «Ўзбекистон ССР 50 йилдиги» номидаги колхоз «Олой» бозорига 10 тонна картошка, «Манфаат» фирмаси 10 тонна картошка ва 83,8 тонна сабзавот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини бажармади. Тельман номли колхоз 28 тонна сабзавот, яъни мўлжалдаги сабзавотнинг 85 фоизини етказиб берди, холос. Ленин номли колхоз, «Қибрай» деҳқончилик саноати комбинати ва «Текстильщик» совхози шу муддатда «Авиастроитель» бозорига 22 тонна (мўлжалдагидан 80 фоиз) картошкани, 44 тонна сабзавотни (66 фоиз) кам етказиб берди. Госпиталь, Фрунзе, Бешёғоч бозорларига сервитамин маҳсулотлар етказиб бериш борасида ҳам ана шу аҳвол давом этмоқда. 1989 йил ноябрь ойида фойдаланишга топширилган Фрунзе районидаги деҳқон бозори филиалидан (қиймати 116 минг сўмлик) амалда фойдаланилмаётир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб чиқиб кетишни тақиқлаш тўғрисидаги маълум қарори истеъмол бозорини барқарорлаштириши лозим эди. Бироқ июнь-июль ойларидаги текшириш шуни кўрсатдики (бу текширишни ишчи назорати ва Ички ишлар нозирлиги органлари биргаликда ўтказган) аҳвол яхши эмас. Республикадан ташқарига турли хил маҳсулотларни қонунсиз равишда олиб чиқиб кетиш давом этмоқда. Тюмень, Арись, Свердловск, Тоғли Олтой, Москва вилоятига ва бошқа жойларга 217 киши олиб боришга ҳаракат қилган 778 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ушлаб қилинди. Ҳамма маҳсулотлар Тошкент аҳолисига сотиш учун деҳқон бозорларига жўнатилди.

Ўтказилган текшириш шуни кўрсатдики, колхоз ва совхозлар, Тошкент шаҳар деҳқончилик саноати бирлашмаси, республика матлубот жамияти, тайёрлов-савдо ташкилотлари мева-сабзавот маҳсулотлари билан тошкентликларни узлуксиз таъминлашга қаратилган тадбирларни бажаришда етарлича фаоллик кўрсатмаётирлар.

Г. ТИХОНРАВОВ,
У. АБДУРАҲИМОВ,
Ўзбекистон ССР халқ назорати комитети инспекторлари.
О. ХАРЧЕНКО,
мухбиримиз.



◎ БУНЁДКОР. «Тошкент» тепловоз депосининг моҳир ишчиси Рустам Усмонов.

Т. Каримов сурати.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ФОЙДАЛАНИШГА ТАХТ

● **ЮНУСОБОД даҳасининг 17-мавзесида 154 хонадонли 9 қаватли турар жой биноси фойдаланишга тахт қилиб қўйилди.** Мазкур бинода истиқомат қилувчилар учун бир қатор қулайликлар яратилган. Ойнаванд айвонлар, уларга ўрнатилган ёғоч жиҳозлар, юк сақлаш ҳоналари шулар жумласидандир.

Бу ишларни 3-уйсозлик комбинати 3-қурилиш бошқармасининг кўп касбли жамоаси сифатли қилиб бажарди.

БУГУН шу жамоа бинокорлари иккинчи ана шундай турар жой бино қурилишини бошлашди.

Д. ОТАЕВ.

ОШХОНА ТЕРМАСИ

● **БУГУН Сергелидаги «Комфорт» ошхона мебеллар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмаси кичик ҳажмли ошхона мебеллари термасини харидорлар ҳукмига тавсия этди.** Бу ошхонанинг ёғоч жиҳозлари термаси атиги 8 бўлакдан иборат бўлиб, кичик ҳажмли ошхоналарга мўлжалланган.

Корхона тайёрлаган бу терма кўп қаватли, кичик ҳажмли турар жай биноларда яшовчилар талаби ва истаклари асосида тайёрланди.

М. ХОЛБОЗОРОВА.

ЯНГИ ҚУРИЛМА

● **ЎЗБЕКИСТОН тажриба заводи жамоаси жумҳурият ва Иттифоқ сув хўжалиги тармоқларини зарур ускуналар билан таъминлайдиган етакчи корхона ҳисобланади.**

Бу ерда сув ниссотлари бунёд этиш учун қудратли ускуналар, оғир юк кўтарадиган қурилмалар тайёрланади.

БУГУН корхонада сув қувурлари учун янги муҳрли пўлат сурилманинг намуна нусхаси тайёрланди. Йил охирига қадар ана шундай жиҳозлардан 20 минг дона тайёрланади.

Ҳ. АСҚАРОВ.

«ЧЕВАР» ЛИБОСЛАРИ

● **«ЧЕВАР» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг кенг истеъмол буюмлари бўлимида чиқинди маҳсулотлардан истеъмол буюмлари тайёрлашга катта эътибор берилаяпти.**

БУГУН Тошкент ўйинчоқлар фабрикасининг буюртмаси билан «Наташа» ва бошқа қўғирчоқлар учун 12 минг сўмлик жажжи либосчалар тайёрлаб юборди.

Бу йил жамоа жами 500 минг сўмликдан ортиқ кенг истеъмол буюмлари тайёрлайди.

Д. АЗИЗОВ.

ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА

● **ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Чилонзор районидаги 2-ҳунар-техника билим юртида 1100 ўғил-қиз таълим олмоқда.** Бу йил улардан 250 нафари билим юртини тугаллаб ўрганган касби бўйича мустақил ҳаётга йўлланма олди. Битирув кечасига барча битирувчи гуруҳлар таклиф этилди. 20 дан ортиқ ўқувчига имтиёзли диплом топширилди ва ўқишни давом эттиришлари учун олийгоҳларга йўлланма берилди. Илғор ўқувчиларга Фахрий ёрлиқ, эсдалик совғалари тақдим этилди. Билим юрти директори Назир Аллаберганов катта ҳаёт бўсағасида турган ёшларга оқ йўл тилади.

Ҳ. СУЛАЙМОНОВ,
ТошДУ талабаси.

АҲОЛИ ИСТАГИГА КЎРА

● **БЕКТЕМИР районининг Лихачев кўчасида мебель уйи савдо маркази фаолият кўрсата бошлади.** Бу ерда истиқомат қилаётган маҳалла аҳлининг истакларига биноан мазкур савдо марказининг бир қисмида электр ва рўзғор буюмлари савдоси бўлими ташкил этилди. Энди маҳалла аҳли ёғоч уй-жиҳозлари билан бир қаторда ошхона учун зарур бўлган буюмларни ҳам харид қилиш имкониятига эга бўлди.

Д. МУХТОРОВ.

ХИТОЙ ВА ЯПОНИЯДАН

● **ЎЗБЕКИСТОН ССР Давлат санъат музейи томошахоналари яна гавжумлашди.** Бу ерда ташкил этилган Хитой ва Япония чинни идишлари бўлими кўпчиликка манзур бўлмоқда. Музей экспонатлари қаторидан ўрин олган турли вақтларга оид чинни термалар ўзининг жозибадорлиги, сержилолиги билан мафтун этади. Кўпчиликни мафтун этган Хитой, Япония чинни термалари жумҳурият давлат музейида меҳмон. Улар йилнинг сўнгги кварталь бошида Ленинград томон йўл олади.

Н. БОЗОРОВА.

ҚИММАТЛИ ҲАШАР

● **ТУКИН ёзнинг ширин-шакар ноз-неъматларини териб олиш қизғин бормоқда.**

Социал таъминот вазирлигига қарашли ҳуқуқшунослик техникуми талабалари ҳам мева териш учун Оржоникидзе район «Қибрай» жамоа хўжалигига ҳашарга чиқдилар. Техникум ўқувчилари хўжаликка яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Хўжаликда талабалар учун барча шарт-шароитлар етарли. Айниқса Р. Султонова, М. Азимова, М. Мингбоев, Ф. Халилова, З. Раҳимбоева, А. Қўшоқов каби ўқувчилар кунига 400—500 килограммдан ҳосил йиғиштириб олишмоқда.

Д. ОРТИҚОВ.

ҚУВОНЧ БАҒИШЛАШДИ

● **А. Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театрининг бир гуруҳ санъаткорлари Каттақўрғонда гастролда бўлишиб, «Ҳурмат Белгиси» орденли қора молларни бўрдоқига боқиш чорвачилик комплексида катта концерт қўйиб беришди.**

Концерт СССР халқ артисти Галия Измайлова раҳбарлигида ўтди. Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артистлардан Абдулла Бозоров ва Раъно Ҳидоятова, солистлардан Пўлат Мустафоев, Бахтиёр Расулов, Хайрулла Хўжаев, Турсунбой Ҳусановлар, раққосалардан Гулнора Каримова, Дилбар Абдуллаевалар, халқ чолғу асбоблари ансамбли созандалари ўзларининг Ватан, дўстлик, меҳнат ва севги мавзуларидаги дилрабо, шўх ва лирик куй ҳамда қўшиқлари ва рақслари билан меҳнаткашларни хушнуд этдилар.

А. ИСЛОМОВ,
«Ҳурмат Белгиси» орденли Каттақўрғон чорвачилик комплекси ишчиси.

ЯНА САҲНАДА

● **МАШҲУР венгер бастакори Ф. Легарнинг «Қувноқ бева» операттаси Иттифоқимиздаги кўпгина театрлар репертуаридан ўрин олган.** Бу қувноқ спектакль бундан 7 йил олдин Тошкент давлат оперетта театри саҳнасида ҳам кўрсатилган эди.

Оперетта яқинда театрда қайта саҳна юзини кўрди. Бу сафар у ўзига хос режиссурада постановка қилинди. Шу сабабли уни томошабинлар бутунлай янги асар сифатида қабул қилдилар.

Саҳна асарининг муваффақиятида москвалик режиссёр Я. Сониннинг ижодий ҳиссаси катта бўлди. Оперетта мусиқасининг жозибали ва шўхчан ижро этилиши учун дирижёр Б. Расулов жонбозлик кўрсатди.

Мазкур спектакль театрнинг ёзги гастролга чиқиш олдидан саҳналаштирган навбатдаги қувноқ асари бўлди.

С. ОДИЛОВА.



◎ ШОЙИ ТИКУВЧИ. Тошкент енгилсанойлик фабрикасининг пилла йигириш цехи бригадири Арзе Тўлегенова ҳар соҳада ёшларга ўрнак.

А. Раҳимбоев сурати.

Тошкент—Сиэтл:

Суратқашлар нигоҳида

Океан ажратиб турган икки шаҳар суратқашларининг ижодий услуби ҳам, акс эттириш усули ва шакллари ҳам ниҳоятда хилма-хил. Бироқ уларни бирлаштириб турадиган муштараклик ҳам бор —бу ҳаётни ҳис этиш, унинг бор ранг-баранглиги ва гўзаллигини акс эттиришга интилиш.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида очилган «Тошкент — Сиэтл: халқ дипломатияси» кўргазмасида бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Кўргазма бўлажак яхши ният ўйинларига бағишланган.

Ўн етти нафар суратқашнинг эллиқдан ортиқ рангли ва оқ-қора тасвирдаги суратларида биродарлашган шаҳарларнинг турмуши ва кишилари ҳақида ҳикоя қилинади.

Кўргазма кўп вақтини биродарлашган шаҳарлар комитетида ўтказаётган суратқаш мухбир В. Ковреин ташаббуси билан уюштирилди. У яқинда Сиэтлга қилган ижодий сафаридан қайтиб келди.

А. Шипелин билан П. Нэйвеннинг асарларини табиат мавзуси, унинг улуғворлиги олдида таъзим бажо келтириш, ана шу табиатни бўлажак авлодлар учун сақлаб қолишга даъват мавзулари уйғунлаштириб юборган. Майкл Бернзнинг бир қарашда унча назарга илинмайдиган, лекин ҳайратланарли даражада нафис ва ҳис-туйғуларга бой оқ-қора рангли суратлари инсоний феъл-атворларнинг ажиб бир дунёсини очади. Бу ўз юмушлари, қувончлари ва ташвишлари билан банд оддий америкаликлар дунёсидир. Муаллиф ўз асарларининг қаҳрамонларини қаердан олмасин — кўчаларда ва хонадонда, дам олиш вақтида ва иш вақтида бўлсин, у энг аввало ҳар бир кишининг ўзига хослигини таъкидлашга уринади.

Ф. Қурбонбоев ва В. Молчанов суратларида урф-одатлар ҳамда расм-русумлар, халқимизнинг анъанавий байрамлари кишн кўз ўнгида намоён бўлади. Улар муаллифлар эътиборини нимани тортмасин, тўй маросими ёки полвонларнинг юракни ҳаприқтирувчи беллашувлари бўлсин, энг аввало минг йиллик тарихи ва маданиятига эга бўлган халқнинг руҳини кўрсатишга уринадилар.

Кўргазма бир-биримизни яхшироқ билиб олиш, муштарак мақсадларимизни ҳис этиш, ишончи ва ошкоралик сари яна бир қадам ташлаш имкониятини беради.

Қашқадарёликлар ҳузурида меҳмонда

Тошкентдаги Муқимий номли театр жамоаси ўзининг Қаршидаги чиқишларини Н. Отабоевнинг «Олтин тўй» асари билан бошлади. Артистлар ўтган мавсумда айниқса томошабинларга ёқиб қолган саҳна асарларини кўчма репертуарга киритдилар. Улар орасида Ҳ. Ғулом ва Ш. Шоҳимардоновнинг «Севги наволари», С. Абдулла ва Т. Жалиловнинг «Гул ва Наврўз» мусиқали драмалари, шунингдек А. Абдуғафуров ва Н. Зокировнинг «Аиқовлар чайқови» сатирик комедияси ҳам бор. Саҳна асарларидан ташқари катта концерт программаси тайёрланган. Артистлар қўриқ вилоятнинг бир қанча бошқа районларига ҳам борнб, томошабинларни хушнуд этадилар.

Саёҳатчилар учун

Америкалик сайёҳлар Ўзбекистон бўйлаб сафарга чиққанларида энди фақат таржимонгагина боғланиб қолмайдиган бўлдилар: «Инглизча — ўзбекча сўзлашув» қўлланмаси уларга туб миллат вакиллари билан мулоқот қилишга ёрдам беради. Қўлланма Тошкент билан биродарлашган Сиэтл шаҳрида чиқарилди. Уни яқинда Тошкент дорилфунунининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида амалий иш тажрибаси орттирган В. Диркс билан М. Мекин тайёрладилар. Тўплам саёҳатчилар йўлга чиққанида тез-тез учраб турадиган мавзуларга — диққатга сазовор жойлар, дўкон, чойхона, бозор сингарларга бўлинган. Китобча чиройли безатилган.

(ЎзТАГ).

БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАН

Буюк ипак йўли маданий ёдгорликлари, тарихий обидалари билан ҳам эътиборни тортади. Шу сабабли бу томонларнинг ўрганишга жаҳон маданий тадбирни ўтказиш жараёнида масаланинг асосий аҳамият берилмоқда.

ЮНЕСКО ташкилоти томонидан «Буюк ипак йўли» бўйлаб келгуси йили уюштирилаётган иккинчи халқаро экспедицияда шу каби масалаларни атрофлича кўриб чиқиш лозим деб топилди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олийгоҳи томонидан ташкил этилган ёшлар экспедицияси ўз фаолиятида ана шу кўрсатмага эътиборни қаратиб, кўплаб кўҳна маданий ёдгорликлар тарихини аниқлаш билан яқиндан шуғулланади. Олий ўқув юртининг табиий ипак технологияси кафедраси уюштираётган бундай кузатишлар Қўқон, Ленинобод, Андижон каби қадимий шаҳарлар бўйлаб амалга оширилади.

Айни вақтда ёшлар Буюк ипак йўли ўтган шаҳарларда жойлашган тўқимачилик корхоналарида, шойи кооперативларида, музейларда, кекса устасталар ҳузурида бўлиб, Ўрта Осиёнинг бой хом ашёси тарихига доир қимматли маълуматларни тўплаш билан шуғулланадилар.

Экспедициянинг навбатдаги босқичида эса Ўрта Осиё жумҳуриятлари халқларининг маданияти, маънавияти, иқтисодий шарт-шароитлари ўрганилиб, қўшни халқлар ўртасида қарор топган қадимий дўстлик ришталарига доир материаллар умумлаштирилади.

Шунниси муҳимки, студентёшларнинг ҳисобот ва кузатишлари натижалари иккинчи халқаро экспедиция доирасида кўриб чиқиладиган бўлди.

А. АЛИЕВ.

Бошқариладиган бозор иқтисодиёти бўсағасида

НОН БАҲОСИ: ЭҲТИЁЖ ВА ИСТАКЛАР



ҲУКУМАТ томонидан тузилган ва СССР Олий Совети сессиясига муҳокама учун тақдим этилган нон маҳсулотларининг баҳосини ошириш лойиҳаси аҳоли ўртасида кўплаб шов-шувларга ва норозиликларга сабаб бўлди. Лойиҳа ҳали Олий Советда муҳокама қилиб бўлинмасдан туриб, ҳамма жойда дўкон пештахталаридан ун, нон ва макарон маҳсулотлари «яшин тезлиги»да йўқола бошлади. Бу вазият олдини олиш мақсадида жойлардаги маҳаллий ҳокимият томонидан, хусусан Ўзбекистонда жумҳурият Вазирлар Кенгаши томонидан махсус қарорлар қабул қилиниб, ушбу маҳсулотларни ҳар бир харидор учун сотилиши мумкин бўлган миқдори белгилаб қўйилди.

Хўш, нима сабабдан нон ва нон маҳсулотлари нархини бу даражада кескин (уч баробар) ошириш керак бўлиб қолди? Бу борада лойиҳа муаллифлари ўртасида ягона мулоҳаза йўқ бўлса керак. Чунки, улар лойиҳанинг муҳокамаси бўйича жойларда ташкил этилган матбуот конференцияларида ва расмий мажлисларда турли-туман важлар кўрсатмоқдалар. Нарх-навони ошириш лойиҳаси илк бор муҳокамага қўйилган чоғда асосий важ қилиб дон етиштирувчи хўжаликларда самарадорлик пастлиги кўрсатилди, шу боисдан ҳукумат дон сотиб олиш нархларини кўтарганлиги ва бу ўз навбатида нон маҳсулотлари баҳосини кўтаришни тақозо қилиши қайд этилди. Уларнинг фикрича, азалдан дон маҳсулотлари етиштиришга ва унинг маълум бир миқдорини ўзга мамлакатларга сотишга ихтисослашган Россия, социалистик қишлоқ хўжалигини бошқаришда йиллар давомида йўл қўйиб келинган бир қатор хатолар, хусусан баҳолар ўрнатилиши борасидаги хатолар натижасида ҳозирги кунга келиб чет эллдан олтин ҳисобига дон сотиб олишга мажбур бўлиб қолган. Бундай шароитда давлат томонидан дон сотиб олиш баҳоларини кўтариш дон етиштирувчи хўжаликларни қўшимча миқдорда ҳосил олишга ундайди ва натижада мамлакат бу маҳсулотлар билан ўз-ўзини таъминлашга эришиши мумкин.

Дарҳақиқат, ўзимизда дон маҳсулотларини кўплаб миқдорда етиштиришга керак бўлган барча шарт-шароитлар мавжуд бўла туриб, чет элга хом ашё сотиб минг бир қийинчиликлар эвазига йиғилган маблағларни иқтисодиётимизнинг келажак равнақини таъминловчи замонавий техника ва технологияларни сотиб олишга эмас, балки дон ва ем сотиб олишга сарфлашимиз нотабиий ҳолдир. Аммо, ҳозирги мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб, бу хатоларни дон маҳсулотлари сотиб олиш нархини ўзгартириш эвазига тугатиб бўлармикин? Ахир, турмуш даражаси кундан-кунга шаҳарликларникидан орқада қолиб бораётган қишлоқ аҳлини дон маҳсулотларини сотиб олиш баҳоларини ошириш йўли билан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга ундаш, қишлоқ жойларида моддий жиҳатдан таъминланмаган пул миқдорини кўпайтиради ва пул қадрсизланишини кучайтиради, холос. 1988 йили хўжаликлар режалаштирилгандан ташқари топширган дон маҳсулотлари учун ва юқори сифатли маҳсулот учун қўшимча нархлар белгиланди, лекин дон етиштириш ҳажми ҳам, унинг сифати ҳам ўзгаргани йўқ. 1989 йили шу мақсадда ҳатто совет сўми у ёқда турсин, камёб чет эл валюталари эвазига ҳам дон маҳсулотларини етиштириш ҳажмини кўпайтириш имкони бўлмади-ку. Демак, дон маҳсулотларини етиштириш ҳажмини нарх ошириш сиёсати ёрдамида кўпайтириш жуда оқилона йўл эмас. Бундан ташқари, СССР Давлат статистика комитетининг 1988 йил бўйича маълумотларига кўра дон маҳсулотларини етиштириш бўйича рентабеллик колхозларда 117 фоиз, совхозларда эса 83 фоизни ташкил этган (қиёслаш учун: пахтачиликда рентабеллик колхозларда 43 фоиз ва совхозларда 31 фоизни ташкил этган). Бундан кўринадики, дон етиштириш хўжаликлар учун унчалик ҳам кам даромадли соҳа эмас ва дон сотиб олиш нархини шу йил яна 55 фоизга оширишга эҳтиёж кўп ҳам зарур эмас экан.

Нон ва нон маҳсулотларига нарх-навони ошириш дастури муаллифларининг фикрича, нон ва нон маҳсулотлари нархини оширишдан асосий мақсад — аҳолининг нон ва нон маҳсулотларини исрофгарчиликка йўл қўймасдан, оқилона истеъмол қилишга ўргатишдир.

Фан ва техника янгиликлари

● БУГУН Ўрта Осиё электр аппаратлар ишлаб чиқариш бирлашмасида янги автоматлаштирилган линия ишга тушди.

Корхонада бу қурилманинг ишга туширилиши ўнга яқин кишини оғир қўл меҳнатидан озод қилди. Яна энг муҳими табиатга заҳарли чиқит чиқармай, ишқорли кислоталарни қайта ишлаб чиқарилади.

⊙ ТОШКЕНТ ҳажмли-блокли уйсозлик комбинатида асосий қувватларга қўшимча тарзда янги қолиплаш машиналари ишга туширилди. Бундай машиналар тўртта бўлиб, улар йилига тайёр блок-хоналар тарзида 20 минг квадрат метр уй-жой майдонини тайёрлаб беради.

⊙ ИХТИРОЧИЛАР ва рационализаторлар Бутуниттифоқ жамияти Тошкент вилоят кенгаши ҳузуридаги ҳаваскорлик техник ижодиёти клуби, Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг, пахта тозалаш давлат ихтисослаштирилган конструкторлик бюросининг, «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг жамоалари ихтирочилик ва рационализаторликни ривожлантиришда қишлоққа оталиқ ёрдамини кўрсатиш юзасидан ўтган йили ўтказилган Бутуниттифоқ кўригининг ғолиблари деб топилди. Уларга Ихтирочилар ва рационализаторлар Бутуниттифоқ жамияти Марказий Кенгашининг Фахрий ёрлиқлари ва пул мукофотлари топширилди.

⊙ ЎЗБЕКИСТОН Алоқа министрлиги «Инкомс» Болгария давлат фирмаси маҳсулотларининг Тошкентда бўлиб ўтган кўргазмасида энг янги ускуналар — якка тартибда фойдаланиладиган компьютерлар, электрон автомат телефон станциялари, радиореле аппаратлари, лоциҳалаш автоматлаштирилган системаларини сотиб олди. Фирма раҳбарлари билан қўшма корхона ташкил этиш тўғрисида келишиб олинди.

⊙ КЕМЕРОВО. Мазуровлаги деворбоп керамик материаллар заводи жамоаси полиэтилен халтачага жойланган ғишт ишлаб чиқара бошлади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, лоциҳада кўзда тутилган — йилига 75 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эришиш учун корхонага уч йил керак бўлади.

⊙ СЛАВЯНСК (Донецк вилояти). «Славянск» территорнал тармоқлараро бирлашмасида рангли қаламлар учун пластик корпуслар тайёрлана бошланди. Бунинг натижасида маҳаллий фабрика қалам ишлаб чиқаришни ўлайтира олади, одатдаги кадр тахтачаси етишмаслиги ҳибатида қалам ишлаб чиқариш тўхтаб қолган эди. Энди «Славянск» бирлашмаси фабрикага ҳар ойда 80 мингта пластик қобиқ ўтказиб беради. Бундай қобиқ арзонга тушади ва пиликроқ бўлади.

⊙ ОЛМАОТА. Олмаотадаги олимлар қуриб бораётган Орол денгизи районидаги ўсим ва туз аралаш бўронларнинг дастлабки физик моделини яратдилар. Улар мазкур ҳодисанинг барча жиҳатларини узоқ йиллар давомида ўргандилар. Моделлар ўтказилган ҳисоб-китоблар қуриб қолган денгиз ҳудида шамол таъсиридаги ўзгаришлар жараёнларининг ҳарати тўғрисида тасаввур ҳосил тамомила янги маълумотлар олиш имконини берди. Шунингдек, Орол ўзларини кучли бўронлар ўтириб кетадиган асосий йўлишлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам ўрганилмоқда.

(ТАСС).

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

«Абитуриент—90»

БУ ЕРДА ДОРИШУНОСЛАР ЕТИШАДИ

⊙ Мактаб ўқувчиларининг химия фани бўйича ўтказилган жумҳурият олимпиадасининг 10-ғолибидан бири Тошкент фармацевтика олийгоҳига ҳеч қандай синовсиз қабул қилинди. Қобилиятли ёшларни танлаш ва камол топтириш йўлида қўйилган бу қадам шубҳасиз кадрлар сифатини оширишга ёрдам беради. Янги ўқув йилига қабул имтиҳонларни олдидан олийгоҳда ишга янгича ёндошувнинг шу хилдаги янги усуллари қарор топмоқда.

ТАЛАБА бўлиш орзусида ўқув юртига ҳужжатларни топширган ёшларга яқиндан ёрдам беришнинг ўзига хос омиллари юзага келаяпти. Олийгоҳ тарихида биринчи маротаба бу йил қабул комиссияси таркибига ўқув юртидан четдаги кишилар аъзо этиб олиндилар. Ўзбекистон ССР халқ депутати Аъзам Абдуллаев, жумҳурият Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакили Илёс Латипов, автомобиль ва йўллар олийгоҳи ўқитувчиси Илҳом Носировлар абитуриентлар синовини пухта ўтказишда, мукаммал билимга эга бўлган ёшларни саралаб олишда олийгоҳ қабул комиссияси аъзолари билан тенг ҳуқуқли тарзда иш кўрадилар. Ота-оналар билан яқиндан мулоқотда бўлишаяпти. Абитуриентларни қизиқтирган саволларга тегишли жавоб бермоқдалар. Қабул имтиҳонлари олдидан ота-оналар ва абитуриентлар билан ошкора мулоқот, қизиқарли учрашувлар ўтказиб борилмоқда.

— Мақсадимиз — билимдонлар синовини пухта ўтказиш, — дейди олийгоҳ ректори, фармацевтика фанлари доктори, профессор, ўқув юрти қабул комиссиясининг раиси Эркин Раҳимович Тошмуҳамедов. — Бу йил 400 йигит-қиз ўқув юртимизнинг талабаси бўлишлари керак. Талабнинг катталигидан шу кунгача бу сон бир неча маротаба ўсиб кетди. Шу боисдан ҳам абитуриентларимизни, уларнинг ота-оналарини қабул имтиҳонларининг қай тарзда бориши ҳозир қаттиқ қизиқтирмоқда. Дастлабки қабул имтиҳони химия фанидан оғзаки бўлиб ўтади. Уни муваффақиятли топширганлар биологиядан оғзаки имтиҳонга қўйиладилар. Учинчи синовда эса билимдонларни ўзбек тили ва адабиётидан иншо кутади.

Олийгоҳимизнинг ўзига хос яхши анъанаси бор. Биз жумҳуриятимиз вилоятларидаги дорихоналарнинг Бош бошқармалари билан яқиндан алоқа ўрнатганмиз. Улар бизга жойлардаги фармацевт кадрларга бўлган эҳтиёж тўғрисида керакли маълумотларни бериб туради. Сўнг биз мутахассислар талаб этиладиган жойларга олийгоҳимиздан ўқитувчиларни жўнатамиз. Қабул пайтида эса бу бизга асқотади. Ошкора айтишим мумкин: ҳозирнинг ўзидаёқ қайси вилоятнинг қайси районига қанча мутахассис кераклиги тўғрисида қўлимизда маълумотлар бор. Бироқ бу — мутахассис кам жойлардан келган ёшларга алоҳида имтиёз берилади деган фикрни келтириб чиқармаслиги керак. Бу иш қачонки синовдан муваффақиятли ўтган икки кишининг тўплаган умумий баҳоси бир хил бўлгандагина инобатга олинади. Яъни масала кадр етишмайдиган жойдан келган кадрнинг фойдасига ҳал бўлади.

Биз қабулни ҳар бир вилоят учун ишлаб чиқилган алоҳида режа асосида амалга оширамиз. Бу дегани танлов ўша вилоятлардан келган абитуриентлар ўртасида бўлиб ўтади. Масалан, Жиззах вилоятидан 10, Сирдарёдан 15, Бухородан 25, Фарғонадан 50 йигит-қиз олийгоҳимизга қабул қилинади. Тошкент вилоятидан 35 абитуриент, Тошкент шаҳридан эса 20 абитуриент ўқишга қабул қилинади. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзидан 20 ўринга мактабни олтин нишонга битирган 30 ўқувчи ҳужжат топширди. Бошқа вилоятларни қўшиб ҳисоблаганда яна 60 абитуриент олтин нишонлилар имтиёзига эга. Улар химия фанидан бўладиган биринчи оғзаки имтиҳондан аъло баҳога ўтсалар олийгоҳимиз талабаси бўлишди деяверинг. Акс ҳолда эса учала имтиҳонларни ҳам топширишларига тўғри келади. У ҳолда танлов умумий шартларга қараб ўтказилади.

Фармацевтика олийгоҳи 1937 йилда ташкил этилган. У ўзининг мавқеи жиҳатидан Иттифоқимиздаги шу соҳадаги олийгоҳлар ўртасида учинчи ўринни эгаллайди. Ҳозир бу ерда 18 фан доктори, профессор, 160 нафардан зиёд фан номзоди, доцент ишлаб келмоқда. Бўлажак фармацевт мутахассисларга фан асосларини чуқур ўргатишяпти. Олийгоҳ ўзининг кўпгина жиҳатлари билан тилга тушган. Аммо бундан ўқув юртида ҳамма ишлар жойида деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Ўқув ишлари тобора такомиллашиб бораётган бир вақтда олийгоҳда замонавий, ҳамма қулайликларга эга бўлган бинога катта эҳтиёж сезилмоқда. Бу муаммони ҳал этиш учун ўтган йили олийгоҳ меҳнат кенгаши томонидан хат тайёрланиб, жумҳуриятимиз раҳбарларига мурожаат этилган эди. 119 киши имзо чеккан бу хат эндиликда улар томонидан ижобий ҳал этилмоқда. Олийгоҳ учун Ўзбекистон шоҳ кўчасида қурилган юқори қаватли биноларнинг бирини ажратиш масаласи ҳал этиляпти. Келгусида талабалар янги ўқув йилини янги бинода бошласалар ажаб эмас. Олийгоҳ маъмурияти ҳозир талабаларга шароит яратишни янада кенгайтириш тараддудини кўрмоқда. Айни пайтда бу ерда ўқувчи 1200 талабанинг ярми ётоқхона билан таъминланган. Қолганлар эса ижара уйларида истиқомат қиладилар. Олийгоҳнинг ўзида янги ётоқхонани қуриш учун эса жой етишмайди. Шу боисдан ҳам яқинда ўқув юрти билан Тошкент химия-фармацевтика бирлашмаси шартнома тузди. Унга мувофиқ талабаларнинг 200 нафари уч йил давомида корхона ётоқхонасидан фойдаланадиган бўлдилар.

Олдинда муҳим синов турибди. Бу синовда омад билимдонларга кулиб боқади.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

Бинокорларнинг шифо маркази

● **ТОШКЕНТ қурилиш Бош бошқармаси бинокорлари замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган, кунига 1200 беморга муолажа қила оладиган янги марказий санитария ва саломатлик марказига эга бўлганига кўп бўлгани йўқ.** Биохимия, нур, нина билан даволаш, парафинли муолажалар беморлар дардига малҳам бўлаяпти.

— Бугун бу ерда 60 ўринли кундузги шифохона ташкил этилди, — дейди даволаш бўлими бош шифокори Р. Софронова.

Дилмурод ОБЛАЕВ.





Тиббиёт муассасаларида

● **КЎЗГА НУР БАҒИШЛОВЧИЛАР.** Жумҳурият кўз касалликлари клиник шифохонасининг болалар бўлими жонкуярлари (чапдан ўнгга) шифокор Зулайҳо Ҳидоятова, ҳамшира Манзура Шайхутдинова, бўлим мудири Гуля Дурдиева ва ҳамшира Турсуной Саматовалар.

● **ТАНЛОВ СОВРИНДОРИ.** Киров райони соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамширалари ўртасида ўтказилган танлов совриндори — «Узбексельмаш» заводи шифохонасининг ҳамшираси Н. Зукурова.

Х. Мирзакаримов суратлари.

XX аср ўлати

Тошкентда ҳам СПИД

● Сўнгги ўн йил ичида жаҳон тиббиётини жунбушга олиб келган даҳшатли муаммолардан бири — бу, бутун дунё аҳолиси ўртасида одамнинг касалликка қарши курашиш қобилиятини йўқотиш (СПИД) вирусининг кенг тус олиб, тарқалиб бораётганлигидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг расмий маълумотларига кўра 1989 йилнинг 31 декабригача дунёнинг 152 мамлакатида 205599 киши СПИДга чалинганлиги расман рўйхатга олинди. Ҳозирда ҳар ойда 5-10 минг киши СПИДга чалинаётганлиги қайд қилинмоқда.

Европанинг Франция, Англия, Италия каби мамлакатларида аҳвол жуда танг ҳолга келиб қолди. Касаллик вирусини ташиб юрувчилар сони дунё миқёсида бугунги кунда 10 миллиондан ошади. Энг ачинарлиси шундаки, бу бедаво касалликка чалинаётганларнинг 56 фоизи болалар, 42 фоизи ўсмирлар ва навқирон ёшдаги кишилардир. Жумладан, Совет Иттифоқида ҳам бу хасталикка нисбатан текширувдан ўтказилган 50 миллиондан зиёд кишининг 900 дан ошиғига XX аср ўлатининг вируси юққанлиги аниқланди, шундан 457 киши Ватанимиз фуқароларидир. Шу жумладан, 28 киши касалланиб, 19 одам ҳаётдан кўз юмди. Биз Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, жумҳурият Давлат Бош санитария шифокори Тўлқин Искандарович Искандаров билан шу мавзуда суҳбатлашдик.

— Тўлқин Искандарович! Одамнинг касалликка қарши курашиш қобилиятини йўқотиш (СПИД)дек вирусининг юқиши дунё миқёсида ташвишли экан. Жумҳуриятимизнинг пойтахти Тошкентда аҳвол қандай!

— Иттифоқимизнинг 13 та жумҳуриятида касалланганлар аниқланиб, РСФСР ва Украинада аҳвол мушкул бўлиб турганда, бизнинг жумҳуриятимиз ҳам четда қолмади. Ўзбекистон ССРда 1990 йилнинг 1 майига қадар 3 миллиондан зиёд киши текширувдан ўтказилиб, СПИД вирусини ташиб юрувчи 15 киши аниқланди. Жумладан, 11 киши чет эл фуқаролари бўлиб, 4 киши эса совет фуқароларидир.

Айнан мана шу вирус ташиб юрувчи кишилар фақат Тошкент шаҳримизда вақтинча ёки муқим яшовчилардир.

Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи 35 ёшли А. исли хизматчи аёл чет эллик эридан вирус юқтирган. У эри билан талабалик йилларидаёқ никоҳдан ўтган ва бир неча йил Африкада ҳам яшаб келган. Туғруқхонанинг аёллар консультациясига мурожаат этган пайтида, касалликнинг клиник белгиларига кўра СПИДга чалинганлиги аниқланди.

Волгоград областидан қариндошларининкига меҳмонга келган В. исмли аёл аноним текширув пайтида СПИДга чалинганлиги аниқланди. У ўзининг мутахассислиги бўйича болалар касалхонасининг ҳамшираси. Ишхонасида ҳаётий зарурат туфайли бемор болага тўғридан-тўғри бевосита қон бераётганда касалликни юқтирган.

28 ёшли С. исмли фуқаро, касби ишчи, бўйдоқ, лекин ҳар хил аёллар билан бир неча маротаба жинсий алоқада бўлган. У тахминан, яшаш ва иш жойи аниқ бўлмаган, ноаниқ сабабларга кўра ҳаётдан кўз юмган аёлдан вирус юқтирган кўринади. Донор сифатида қон топшириш пайтида, СПИДга нисбатан ўтказилган текширув жараёни манфий бўлиб чиққач, анализга олинган қон йўқ қилиниб, бемор донорлар рўйхатидан мутлақо ўчирилди.

26 ёшли Н. исмли фуқаро, хизматчи, бўйдоқ, аноним текширув пайтида касаллиги аниқланди. У бесоқолбозлик (гомосексуализм) билан шуғулланиб, касалликни РСФСРда юқтирган.

Касаллик ўчоқларида, беморлар мурожаат этган тиббиёт муассасаларида касалликнинг атрофлича олдини олишга қаратилган тадбирлар кўрилмоқда, улар жинсий, маиший ва тиббий алоқаларда бўлганлиги текширилмоқда. Натижалар ҳозирча вирус юқтирилмаганлигини кўрсатиб турибди. Жумҳуриятимизга, жумладан Тошкентга СПИД кириб келиши хавфи анча юқори бўлиб турибди.

— Иложи бўлса, шуни муфассалроқ тушунтириб берсангиз.

— Гвинея-Бисаудан келган Тошкент Давлат тиббиёт институтининг 1 курс талабаси П. касалликнинг яширин даврида ҳомиласи тушиб қолиши хавфи билан Тошкентдаги туғруқхоналардан бирига мурожаат этганда, унда СПИД вируси бор эканлиги аниқланди. Бемор шу мамлакатдан келган, политехника институтининг юқори курс толиби билан хуфёна жинсий алоқада бўлган. Ҳомиладор бўлиб қолиши юқиш ҳолатини фаоллаштириб юборган. Бемор СПИД касаллигига чалинганлигини билгач, ўзини тажовузкорона тутиб, Ўзбекистон ва СССР ҳудудидан чиқариб юборилгунига қадар ётоқхонадаги бошқа талабалар билан ҳам ёвуз ниятда жинсий алоқа қилишга киришган. У билан аввал жинсий алоқа қилиб юрган талаба текширувдан бош тортиб, институтни битирмасданоқ ватанига жўнаб қолди.

Бурундидан келган Тошкент қишлоқ хўжалиги институти агрохимия факультетининг биринчи курс талабаси—бўйдоқ Б. да ҳам СПИД вируси аниқланди. Ўзбекистонда жинсий алоқада бўлганлигини тан олмасада ҳар томонлама чуқур текширилганда Тошкент шаҳрида Европа миллатига мансуб жазман аёли бўлиб, бундан ташқари кўчада танишиб қолган Қорақамиш даҳасида фарзанди билан яшовчи, ўзимизнинг миллатга мансуб аёл ҳам унинг ётоқхонасига қатнаб турган.

Угандадан келган Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг бошқа талабаси К. ҳар хил аёллар билан бир неча маротаба жинсий алоқада бўлганлигини яширмаса-да, жазманларининг исмини айтишдан қатъий бош тортди.

Шу мисоллардан кўриниб турибдики, жумҳуриятимизда СПИД бўйича ташвиш туғдираётганлар асосан чет эллик талабалардир. Уларнинг кўпчилиги, дунёда СПИД вируси кенг тарқалган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра қирилиб кетишга маҳкум бўлган, ҳар куни СПИД қурбонларини кўмиб, фақат болаларгина тирик қолаётган қишлоқлари бўлган Африка қитъасидаги мамлакатлардандир.

— Демак, жумҳуриятимизга СПИДнинг кириб келишида асосан чет эллик талабалар воситачи эканда. Унда, бу касаллик кенг тарқалган мамлакатлардан ўқишга талабалар қабул қилиш ўринлими!

— Хорижий мамлакатлар билан дўстлик-биродарлик алоқаларини ўрнатиш халқимизнинг қадимий одати бўлиб келган. Лекин тарихда касаллик, кулфат, бахтсизлик, фожиа олиб келган ўзаро алоқаларга меъёр чегараси қўйилган. Ҳозирги пайтда эса жумҳуриятимиздаги 21 та олий ва Ўрта махсус ўқув юртларида 4 мингдан зиёд чет эллик ёшлар таълим олади. Йилига тайёрлов бўлимларига 1,5 мингга яқин бўлғуси талабалар қабул қилинади. Махсус текширувларга кўра, СПИД вирусини ташиб юрган шахслар асосан Уганда, Жазоир, Гвинея-Бисаудан келиб Тошкент политехника, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтларида ҳамда Тошкент Давлат дорилфунунида таълим олаётганлардир. Агар шу йилги 1 майгача бўлган расмий маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, СПИД ўчоғига айланган Африка қитъасидаги давлатлардан: Угандада — 12.444, Жазоирда — 11.732, Бурундида — 2.784, Раундада — 2.285, Кенияда — 6400 беморлар борлиги рўйхатга олинган. Мана шу мамлакатлардан келган ёшлар ётоқхоналарида, чет эл буюмларига ишқибоз бўлган жазманлари уларнинг хонадонларида бўлиб, номаъқулчиликлар қилишиб тузалмас дардга мубтало бўлишмоқда.

— Мутахассис шифокор сифатида айтингчи, СПИД асосан жинсий йўл билан юқадими!

— СПИД вируси асосан қон қуйиш, бесоқолбозлик, тартибсиз алоқа қилиш йўллари орқали юқади. Юқоридаги мисолларимиздан кўриниб турибдики, жумҳуриятимизда СПИДнинг тарқалиши деярли тартибсиз кун кечираётган фоҳишалар, бесоқолбозларнинг таъсиридир.

Охирги 3 йил ичида фақат Тошкент шаҳрининг ўзида 40 минг тартибсиз жинсий алоқа қилиб юрувчилар текширилди. Тунги рейдлар ўтказилганда енгил табиатли кишиларнинг 45 фоизида СПИД бўлмаса-да, таносил касалликлари борлиги аниқланди. Шу йилнинг тўрт ойида Тошкент шаҳри бўйича 135 мингга яқин киши текширувдан ўтказилди. Ачинарли жойи шундаки, уларнинг 70 таси гиёҳванд, 272 таси бесоқолбозлик билан шуғулланувчилар бўлса, 2279 таси тартибсиз жинсий алоқа қилувчилардир.

XX аср ўлати — СПИД жумҳуриятимизни хавф остига солиб турганда, чет эллик талабалар ётоқхоналарида айшу ишрат қилиб юрган «валюта» фоҳишаларининг орамизда бўлиши, айрим кишиларнинг улар билан алоқа қилишлари хавф устига хавфни ошираверади.

— Тўлқин Искандарович, СПИД — бедаво касал. Сиз юқоридаги беморларни даволандилар, дедингиз!

— СПИДни даволашга бўлган барча уринишлар ҳамон тиббиёт кутган натижаларни бермаяпти. Ҳозирги даволаш муолажалари фақат бемор ҳаётини бироз бўлса-да, узайтириш имконини беради, холос.

Хасталикнинг ўзига келганда, СПИДнинг бирдан-бир ягона чораси бу — унинг олдини олиш мумкинлигидир. Ҳозирги кунда СПИДга қарши курашиш хизмати ташкил этилган ва таркибида жумҳурият, шаҳар, вилоят миқёсидаги 13 та марказ ишлаб турибди. 30 та СПИД диагностика лабораторияси ташкил этилган бўлиб, яна 40 тасини очишга тайёргарлик кўрилаяпти. Лабораториялар очилиши билан текширилиш доираси кенгаяди. Сўнгги йилларда 1,2 миллион донор, 1,1 миллион ҳомиладор, 15 мингдан зиёд чет эллик шахслар, 23 минг гиёҳванд, 55 минг тартибсиз жинсий алоқа қилувчилар, 470 минг турли клиник касалликдаги кишилар текширилди. Тошкент шаҳар, Киров кўчасидаги 4-уйда жумҳурият СПИДга қарши кураш ва профилактика маркази, ишонч хонаси ишлаб турибди. Истаган киши СПИД масаласида 33-48-78, 32-29-36 телефонларига мурожаат этишлари мумкин. Шунингдек, шаҳарнинг Ленин районига қарашли Титов кўчасидаги 6-уйда жойлашган шаҳар 1-поликлиникаси (телефонлар: 55-82-51, 58-33-41) да ҳам аноним текшириш маркази ишлаб турибди. Лекин ҳар биримиз соғлом турмуш, покиза ҳаёт эгаси бўлишга эришиш, болаларни ҳам покизалик руҳида тарбиялаш, фоҳишабозлик, бесоқолбозлик, гиёҳвандликка қарши курашишимиз касалликнинг олдини олишдаги омиллардир. Буни ҳар биримиз дилдан ҳис қилишимиз, инсонга бир марта бериладиган умрни ҳазон қилмай, тузалмас хасталикка чалинмай, ширин турмуш лаззатини тотишимиз керак.

Суҳбатни СССР соғлиқни сақлаш аълочиси Тўлқин РАСУЛЕВ ва жумҳурият Саломатлик марказининг матбуот шўъбаси ходими Абдумажид ЭРГАШЕВлар ёзиб олишди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

«ФОТОН» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузуридаги

39-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚИЗЛАР УЧУН: ярим ўтказгич асбоблар ва интеграл микросхемаларни йиғувчи, электрон саноати асбобларини синовчи, электрон саноати техника назорати бўлимининг назоратчиси;

ЙИГИТЛАР УЧУН: технологик ускуналарни созловчи, радиоэлектрон аппаратураларнинг монтажчиси, кенг профилдаги станокчи.

Ўқишга 8 ва 10 синф маълумотига эга бўлган Тошкент шаҳри ва Тошкент области (Калинин, Оржоникидзе, Янгийўл районлари) **да яшовчи йигит ва қизлар қабул қилинади.**

10-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 10 ой.

МАШҒУЛОТЛАР — «ярим ўтказгич асбоблар ва интеграл схемаларни йиғувчи», «электрон саноати техника назорати бўлимининг назоратчиси», «электрон саноати асбоблари синовчи» ихтисосликлари бўйича ўқиётган қизлар учун группаларнинг тўлишига қараб бошланади.

Ўқувчиларга ойига 77 сўм стипендия тўланади. Билим юртини тамомлагач ўқувчиларга эгаллаган касби бўйича малака оширганлик ҳақидаги диплом берилади.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 3 йил.

Таълим даврида ўқувчилар уч маҳал бепул овқат, ишлаб чиқариш практикаси даврида ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 фоизи билан таъминланадилар.

Ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар имтиёзли шартлар билан олий ўқув юртларига қабул қилинадилар.

Билим юрти ўқувчиларни информатика ва ҳисоблаш техникасига ўқитиш учун «КУВТ-86» ҳисоблаш машинасига, спорт базасига эга, вокал-чолғу ансамбли, самбо секцияси, радио ва техника ижодиёти тўгараклари ишлаб турибди.

Билим юртини тамомлагач уларга касб эгаллаганлиги ва ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.

Билим юртига ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: 8-синфни тамомлаганлик ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, медицина справкаси (086/У форма), яшаш жойидан справка, отаонасининг иш жойидан справка, 8 дона фотосурат (4 дона — 3х4, 4 дона 4х5 см. ҳажмида).

Бизнинг адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Ленин райони, Весна кўчаси (5, 12, 68э, 183-автобусларнинг «Узбум» бекати; 1, 5, 26-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-51.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ

48-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг пойтахтга яқин районларида яшовчи 9—11-синф ҳажмда маълумотга эга бўлган қизлар қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул қилинади: хотин-қизлар, болалар ва эркаклар устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-мотористка.

9-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган қизлар 3 йил ўқийдилар ва бепул иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқишни битирганларидан сўнг улар ўрта маълумот ва эгаллаган касблари ҳақида диплом оладилар.

11-синфни битирган қизлар 1 йил ўқийдилар ва улар ҳар ойда 30 сўм миқдорида стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 фоизини оладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Битирувчи курс аълочи ўқувчиларининг 10 фоизига ўқишга кириш учун йўлланма берилади.

Ўқувчилар И. Ганди номли маданият саройидан кенг фойдаланадилар. У ерда ҳар хил тўгараклар, спорт секциялари, каратэ ва диско клублар мавжуддир.

Ўқувчилар корхона территориясида жойлашган маиший ва медицина хизматидан, соат ва оёқ кийим устахонасидан, сартарошхона, кийим-кечак ва озиқ-овқат магазинидан, профилакторийдан фойдаланадилар.

Билим юртида ўқувчилар бадиий ҳаваскорлик тўгараги, «Модалар театри» тўгараги, шунингдек, спорт секцияларида иштирок этишлари мумкин.

Каникул даврида ўқувчилар Совет Иттифоқи шаҳарларига, дам олиш базаларига бепул туристик путёвкалар билан тақдирланадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), турар жойидан, отаонасининг иш жойидан ва медицина справкалари, 3х4 см ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: 700061, Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5-а уй. (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар, 1, 5, 8, 10, 17-троллейбуслар; 2, 3; 25, 60э, 71, 80э-автобусларнинг «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси» бекати).

Наботот оламида

БЕБАҲО ВА ШИФОЛИ

⊙ Ҳурматли муҳарририят! Донли озиқлардан сули илгарилари овқат сифатида кўп ишлатилар эди. Шу ўсимликнинг хосиятлари ҳақида маълумот берсангиз.

Меҳрибон САЪДУЛЛАЕВА, ишчи.

ОНА заминда етиладиган ҳар бир ўт-гиёҳнинг ўзига хос хислат-хосияти бор. Сули асосан озуқабоп ўт-ўсимлик ҳисобланади. Бўйи 50—170 сантиметргача боради. Гули икки жинсли, майда бўлади. Май—июлда гуллайди. Меваси — дон, узунлиги 8—11 миллиметр бўлиб, июнь—июль—августда пишиб етилади. Сули табобатда ва озиқ-овқат саноатида қўлланилади. Унинг ёввойи ҳолда учраши номаълум. Чорвачиликда озуқа сифатида етиштирилади.

Сулининг таркибида фойдали моддалар бор. Халқ табобатида сулининг дони қўлланилган. Сил хасталигида, қувватбахш этувчи омил сифатида сулидан тайёрланган шўрва фойдали бўлган. Дон қайнатмасини асалга аралаштириб, оғир хасталикда мадорсиз бўлган беморларга тавсия этилган. Сули уруғининг қайнатмаси қанд касаллигида, сариқ касаллигида ишлатилган.

Меъда-ичак хасталигида ўраб олувчи хосияти бор.

Қабзиятда ҳам наф беради. Донидан тайёрланган дамлама юрак-қон, асаб толаларига, фойдали таъсир этиб, аъзойи-танадаги моддалар алмашинуви фаолиятини яхшилайди. Бу дамлама 1:10 нисбатда тайёрланади. 24 соат сақланади ва сузилиб, бир стакандан кунига икки марта ичилади. Гиёҳ ўти дамламаси пешоб ва ел ҳайдовчи, тана ҳароратини туширишда малҳам бўла олади. Бод, турли тери хасталикларида, бўғин оғриқларида, совуқ ўтганда, болалардаги рахитда ўт дамламаси малҳам бўлади. Оёқ терлаганда ўсимлик билан дуб дарахтининг пўстлоғи (дорихонада бўлади) аралашмасини муолажа қилинса яхши наф беради.

Сули секин ва қийинлик билан ҳазм бўлиши билан меъдага оғирлик қилади. Муҳаммад Ҳусайн Шерозийнинг ёзишича, лимон ёки беҳи, ёғ истеъмол қилинса оғирлик меъдага тушмайди, унинг олди олинади. Замонавий табобатда сулининг дони бебаҳо парҳез ва шифоли маҳсулот ҳисобланади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, фарғоналик доришунос.





ТАНТАНАЛИ ҚАСАМЁД

«Мен судья вазифасини зиммамга олар эканман, халқ ишончини оқлаш истагида тантаналиқ суратда қасамёд қиламан. Одил судловни қонунга қатъий амал қилган ҳолда ўз эътиқодим ва виждонимга кўра... амалга ошираман».

Ўтган шанба куни Ўзбекистон ССР Олий суди биносида бўлиб ўтган шаҳримиздаги II район халқ судларига сайланган судьялар қасамёди худди мана шу сўзлар билан бошланди. Шу куни 62 судья тантанали равишда жамоатчилик олдида қасамёд қилди.

— Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонуннинг 163-моддасига мувофиқ бу йилги сайловда барча халқ судларининг судьялари 10 йилга, халқ маслаҳатчилари эса 5 йил муддатга сайландилар, — деди шаҳар халқ суди раисининг ўринбосари Р. Акбаров. — Кўриб турибсизки, бу катта муддат. Шундай экан эл-юрт олдида тантанали қасамёд қилишимиздан мақсад ўз ишимизга ҳамиша ҳалол ва виждонан ёндошишдек бўлган юксак бурч ва масъулият ҳиссини яна бир бор эслаб қўйишимиздан иборатдир.

СУРАТЛАРДА: судьяларнинг тантанали қасамёдидан лавҳалар.

Т. Каримов суратлари.

«ЎРИКЗОР» АҲОЛИСИ УЧУН

⊙ 2-ЙЎНАЛИШ таксилар автохўжалиги жамоаси шаҳримизнинг кенжа «Ўрикзор» даҳаси билан метронинг «Чорсу» станцияси оралиғига 24-йўналишдаги такси хизматини ташкил этди. Бир неча ўн кун аввал ташкил этилган синов асосидаги бу йўналиш самара берди.

БУГУН бу маршрут бўйича муттасил қатнов йўлга қўйилди.

Д. МУРОДОВ.

Октябрь рай...

прокурори эт...

тайинланди

Ўзбекистон ССР ... рорининг буйруғи би... кин Тўраевич Йўлдош... тябрь район про... этиб тайинланди.

Э. Т. Йўлдошев 196... да туғилган. КПСС ... В. И. Ленин номидаг... кент Давлат дори... ни юридик факультет... галлаган. Прокуратур... ганларида 1982 йил... ри ишлайди. Акмал И... район прокуратурасин... говчиси, Тошкент ... прокуратураси терго... мининг прокурори, ... рият прокуратураси ... бошқармасининг про... бўлиб ишлаган. 1988 ... бери Ўзбекистон ССР ... рорининг ёрдамчиси ... ишлаб келган.

Муҳ...

Э. М. ЭРНАЗ...

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЎЙЛАР МУБОРАК!

Тўй тантаналарида маданий хизмат қилишга мослаштирилган ва замонавий репертуарларга эга бўлган Авиасозлар маданият саройининг

«САМО» АНСАМБЛИ

бахт ва шодлик оқшомини кўнгилдагидек ўтказишда

ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР!

Ансамблин кассага пул тўлаш йўли билан тўйхонага таклиф қилишингиз мумкин.

Буюртмалар олдиндан ҳар куни соат 16.00 дан маданият саройининг 2-қават, 90-хонасида қабул қилинади.

Маконимиз: Авиасозлар шаҳарчаси, Лисунов кўчаси, Авиасозлар маданият саройи (15, 23, 48, 72, 151, 54, 6-автобуслар; 3, 23-трамвайларнинг «Маданият саройи» бекати. Метронинг «Чкалов» станцияси). Телефон: 96-55-81.

Диққат!

ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ФОИЗСИЗ ЗАЁМЛАРИ!

Мақсадли заёмларнинг облигациялари эгаси номи ёзилган қимматли қоғоз бўлиб, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг меҳнат жамоалари, шунингдек халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижроия комитетларининг қарорига мувофиқ ихтиёрий асосларда СССР Жамғармалар банки бўлинмаларининг муомала бўлимлари томонидан нақд пулга ёки омонатлардан маълум пул миқдорини чегириб ташлаш йўли билан аҳолига сотилади.

Давлат мақсадли фоизсиз заёмларининг облигациялари тегишли молнинг баҳосига тенг қийматларда чиқарилади. Молнинг номи ва қиймати мақсадли заём облигациясида кўрсатилган бўлади.

Мақсадли заём облигацияларининг ҳақини тўлаш ана шу облигацияда кўрсатилган молни чакана савдо тармоғи орқали бериш йўли билан амалга оширилади. Бунда облигацияни ана шу савдо тармоғига тақдим этиш талаб этилади. Моллар 1993 йил давомида бериб борилади. Облигация унда кўрсатилган молни олиш учун 1995 йил 1 январгача тақдим этилиши мумкин. Мақсадли заём облигациялари магазинлар томонидан нақд пулга алмаштирилмайди.

СССР Жамғармалар банки бўлинмаларининг муомала бўлимлари давлат мақсадли фоизсиз заёми облигацияларини сақлаб бериш учун қабул қиладилар. Сақлаб берганлик учун облигациянинг ҳақиқий қийматидан қатъий назар унинг ҳар бир варағи учун 5 тийиндан ҳақ олинади.

СССР ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

«СВИТЯЗЬ» АТЕЛЬЕСИ

қуйидаги асбобларни

ижарага беради ва сотади:

СФ—46 спектрографи, ИЗА-7 компаратори, ДМР-4 монохроматори, Р-11, Р-14, Р-16, С-11, С-12, Л-211 микроскоплари, Р-1 метан, МБИ-15, ИРФ-454Б рефрактомери, ИВС-28 генератори, СЛ-12 стилоскопи, КФК-2 калориметри, осциллографлар, ўзгартиргичлар, генераторлар, ўлчовчилар, коллибраторлар, программаторлар, анализаторлар, вольтметрлар ва бошқа ҳар хил асбоблар;

шунингдек, қуйидагилар ҳам сотилади:

диодлар, триодлар, резонаторлар, теристорлар ва бошқа деталлар.

электр-миксерлар, кўпиртиргичлар, телефон аппаратлари тузатиб берилади.

Манзилимиз: 700027, Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 8 «А»-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: 45-45-53, 45-45-57.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗИ

ГОСКОМТРУД УССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Тюмень вилоятининг Нягань шаҳрида ишлаш учун

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ «ЎЗБЕКТЮМЕНЬЖИЛСТРОЙ» ТРЕСТИГА

ишбошилар, омилкор усталар, даъвогар-ҳуқуқшунос, электр пайвандчилар, монтажчилар, бўёқчилар, дурадгорлар, сувоқчилар, «В», «С», «Д», «Е» тоифасидаги ҳайдовчилар, чилангарлар—автомобиллар ва қурилиш машиналарини тузатувчи, машиналарнинг электр ускуналари, минорали кранларни тузатиш ва монтаж қилиш, минорали кранларнинг электр ускуналари, ички ёниш двигателлари, дизель двигателларининг ёқилғи аппаратураси (5, 6-разрядли), **карбюраторлар бўйича, аккумуляторчи-чилангар, кранлар бўйича механик, юкчилар, бульдозер машинистлари.**

Трест ходимларига қуйидаги имтиёзлар берилади: Тошкент шаҳрида муқим равишда истиқомат қилувчи ва турар жойга муҳтож шахслар белгиланган тартибда уй-жой қурилиш кооперативига қабул қилинадилар ва уй-жой олиш учун навбатда турганлар қаторида ҳисобга олинадилар. Трестга ишлаш учун борган шахсларнинг жумҳурият ҳудудидаги уй-жойлари уларнинг мазкур ташкилотда ишлайдиган бутун даврига банд қилиб қўйилади.

Сафарбар қилинганларга ойлик маошига қўшимча 1,7 район коэффициенти ва сафар харажатлари тўланади.

Маълумотлар олиш учун Фрунзе район аҳолини ишга жойлаштириш бўлимига (Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 87-уй) учрашилсин.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

СССР Гидрометеорология давлат комитетининг

ТОШКЕНТ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ

ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОНДАГИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР УЧУН МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН ЯГОНА ТЕХНИКУМДИР.

ТЕХНИКУМ

1990—1991 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум «метеорология» (техник-метеоролог), «гидрометеорологик радиотехника системаларидан фойдаланиш» (радиотехник) ихтисослари бўйича мутахассислар тайёрлайди.

Кундузги бўлимда ўқиш муддати — 8-синф маълумоти билан 3 йилу 8 ой. 10-синф маълумоти билан 2 йилу 8 ой.

Сиртқи бўлимда қўшимча равишда агрометеорологлар тайёрланади. Ўқиш муддати 10-синф маълумоти билан 2 йилу 8 ой.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Ойига 30 сўм ҳажмида стипендия тўланади, «гидрометеорологик радиотехника системаларидан фойдаланиш» ихтисоси бўйича ойига 45 сўмдан стипендия тўланади.

Ўқиш рус тилида олиб борилади.

АРИЗАЛАР КУНДУЗГИ БЎЛИМГА 31 ИЮЛГАЧА, СИРТҚИ БЎЛИМГА 10 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), 086/У формадаги тиббий справка, 3х4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишловчилар учун), туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, паспорт.

Техникумга кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар:

8-синф маълумоти билан кирувчилар — рус тилидан (диктант), математикадан (оғзаки);

10-синф маълумоти билан кирувчилар — рус тили ва адабиётидан (иншо), математикадан (оғзаки) имтиҳон топширадилар. Ўқувчилар билим юртига танлов асосида қабул қилинадилар. Ўқувчиликка қабул қилишда таълимнинг барча кўринишларига заҳирига бўшатилган ҳарбий хизматчилардан ташқари Гидрометеорология бошқармаси томонидан ўқишга йўлланган шахслар ҳам имтиёзлардан фойдаланадилар.

Бутун ўқиш даври давомида назарий машғулотлар лабораториялар, ўқув базалари шунингдек СССР Гидрометеорология давлат комитетининг тармоқ органларидаги ишлаб чиқариш практикаси билан алмашиниб боради.

Беш кунлик ўқув ҳафтаси бўйича тажриба ўтказилаяпти. Машғулотларга эркин қатнаш синаб кўрилмоқда. Ўқув жараёнида компьютерли синф, кино-синф, замонавий радиолокацион қурилмалардан кенг фойдаланилади.

Техникум ўз ўқувчиларига стипендия, бепул овқатланиш, дам олиш уйларига имтиёзли йўлланмалар бериш каби ижтимоий ёрдам турларини кўрсатади.

Техникум битирувчиларига ихтисоси бўйича иш бериш кафолатланади. Ўз маълумотини давом эттирмоқчи бўлганларга олий ўқув юртига кириш имконияти яратиб берилади. 1990 йил 1 сентябрдан бошлаб мутахассисларни икки босқичли системада: 1-босқич техник, II-босқич кичик муҳандис тартибида тайёрлаш режалаштирилмоқда.

Техникум маскани: 700019, Тошкент шаҳри, З. Қобулов кўчаси, 45-уй. (44, 48, 97-автобуслар, 2, 7, 10-троллейбуслар, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Ишчилар шаҳарчаси» бекати).

Телефонлар: 48-07-21, 48-37-10.

«ЎЗБЕКГЕОЛОГИЯ» бош маҳкамасининг

ТОШКЕНТ ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ТЕХНИКУМИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМА КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ, УЛАРНИ ҚИДИРИШ ВА РАЗВЕДКА ҚИЛИШ. Ўқиш муддати — 2 йилу 6 ой.

ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМА КОНЛАРИНИ ҚИДИРИШ ВА РАЗВЕДКА ҚИЛИШНИНГ ГЕОФИЗИКАВИЙ УСУЛЛАРИ. Ўқиш муддати — 2 йилу 6 ой.

ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ. Ўқиш муддати — 2 йилу 6 ой.

ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМА КОНЛАРИНИ РАЗВЕДКА ҚИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ТЕХНИКАСИ. Ўқиш муддати — 2 йилу 6 ой.

ЭЛЕКТРОН-ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ ВА АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН СИСТЕМАЛАР УЧУН ДАСТУРЛАШТИРИШ (фақат кундузги бўлим). **Ўқиш муддати — 2 йилу 10 ой.**

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ НАЗОРАТИ ВА ТАҲЛИЛИ. Ўқиш муддати — 1 йилу 10 ой.

АВТОМОБИЛЛАР ВА ДВИГАТЕЛЛАРГА ТЕХНИКА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ВА УЛАРНИ ТУЗАТИШ (фақат кундузги бўлим). **Ўқиши муддати — 2 йилу 10 ой.**

ҚАБУЛ ТЎЛИҚ ЎРТА МАЪЛУМОТ БАЗАСИДА (10-11 синфлар) **АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.**

Кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонларини топширадилар: математика (оғзаки), она тили ва адабиёти (иншо).

Қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: директор номига ёзилган белгиланган намунадаги ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), 086/У андозадаги тиббий шаҳодатнома, 3х4 см. катталикдаги 4 та фотосурат, меҳнат дафтарчаси ёки колхозчи дафтарчасининг маъмурият томонидан тасдиқланган кўчирмаси (амалий меҳнат фаолиятига эга бўлганлар, шунингдек, сиртқи бўлимга кираётганлар томонидан тақдим этилади).

Паспорт, ҳарбий билет ёки қайд этилганлик гувоҳномаси шахсан кўрсатилади.

Кундузги бўлимга аризалар 31 июлгача қабул қилинади, ўқувчиликка қабул қилиш 25 августгача ўтказилади.

СИРТҚИ БЎЛИМГА АРИЗАЛАР 3 ОКТЯБРДАН 30 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ, КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 НОЯБРДАН 25 ДЕКАБРГАЧА, ЎҚУВЧИЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИШ 25 ДЕКАБРГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Бухгалтерия ҳисоби ихтисоси бўйича аризалар 10 августгача қабул қилинади, имтиҳонлар 1 августдан бошланади, ўқувчиликка қабул қилиш 30 августгача ўтказилади.

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР УМУМИЙ АСОСЛАРДА СТИПЕНДИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Техникум маскани: Тошкент шаҳри, 95, Талабалар шаҳарчаси, Қамарнисо кўчаси, 1-уй (10, 28, 34, 82, 100-автобуслар; 15, 16-трамвайлар).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси

А. А. ХЎЖАЕВ НОМЛИ 12-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Тошкент шаҳри мактаб ўқувчилари ва йигит-қизларни 1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:



бўёқчи-сувоқчи-кошинкор, бадиий безак бўйича сувоқчи, ғишт терувчи — пўлат ва темир бетонли қурилмалар йиғувчи (монтажчи), дурадгор — паркетчи-ойнасоз, электр-газ пайвандчи-ҳайдовчи, кошинкор-плитачи-мозаикачи, слесарь-сантехник (ўқиш муддати 6 ой, 1 йил, 2 йил), бетончи-қолипчи (ўқиш муддати 5 ой).

Ўқиш давомида талабалар 3 маҳал бепул овқат, кийимбош билан таъминланадилар.

Ўқишни тугатганларга ўрта маълумоти тўғрисида ва ҳунар ўрганганлиги ҳақида диплом ҳамда мутахассислик (разряди) даражаси берилади.

Ишлаб чиқариш тажрибаси (практикаси) даврида меҳнат ҳақининг 50 фойзи тўланади.

5—6 ойлик группаларда ўқиш учун 10 синф ҳажмида маълумотлилар ҳамда Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтганлар қабул қилинади. Уларга ҳар ойда 66 сўм стипендия тўланади.

Билим юртида ўқиш узлуксиз иш стажига киради. Талабалар учун ҳаваскорлик тўгараклари ва фан тўгараклари, 13 хил спорт секциялари ишлаб турибди.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқишни имтиёзли диплом билан тугаллаганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига конкурссиз қабул қилинадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, таржиман ҳол, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, мактабдан характеристика, яшаш жойидан справка, 236-формадаги медицина справкаси, 6 дона 3х4 см. катталикдаги фотосурат.

Бизнинг қўнимгоҳимиз: 700131, Тошкент шаҳри, А. Икромов райони, 26-квартал, 1-уй (3, 187-автобусларнинг 12-квартал, 4, 9, 17-трамвайларнинг «30 поликлиника» бекатлари). Телефонлар: 76-27-56, 76-36-58.

«ИНТУРИСТ» МАДАНИЙ АХБОРОТ МАРКАЗИ БИНОСИДА

27, 28, 29, 30, 31 ИЮЛДА

МАКСИМ ГОРЬКИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК РУС ДРАМА ТЕАТРИ БИНОСИДА

1, 2, 3, 4, 5 АВГУСТДА

МОСКВА ТАГАНКАДАГИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИ АРТИСТЛАРИНИ...

КОНЦЕРТЛАРИ

Билетлар М. Горький номидаги драма театри ва... да сотилмоқда.



18 ИЮЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ЧЎЗИЛГАН ҚАСОС» (катта зал, 18.30, 20.40); «ЭЛЬВИРА — ЗУЛМАТ ҲОКИМАСИ» (кичик зал, 18, 20.00).

Қозоғистон — «ШИНА — ЧАНГАЛЗОРЛАР МАЛИКАСИ» («ТАРЗАН АЁЛ» 17, 18.30, 20.00).

Нукус — «СЕВИМЛИ РОЖА» (18.30, 20.45).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «АТЛАНТИДА ДОҲИЙЛАРИ» (20, 21.30); «БИРОН-БИР ДАЛИЛСИЗ» (18.00).

Восток — «КАТТА ОДАМ» (17.30, 20.45).

Фестиваль (ёзги) — «ЕҚИМТОЙ ФИРИБГАРЛАР» (21.15).

К. ЕРМАТОВ номли — «ФИДОЙИ» (тоқ соатларда).

19 ИЮЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ЧЎЗИЛГАН ҚАСОС» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.40); «ЭЛЬВИРА — ЗУЛМАТ ҲОКИМАСИ» (кичик зал, 12, 14, 16, 18, 20.00).

Қозоғистон — «ШИНА — ЧАНГАЛЗОРЛАР МАЛИКАСИ» («ТАРЗАН АЁЛ», 11, 12, 13.30 14.30, 16, 17, 18.30, 20.00).

Нукус — «СЕВИМЛИ РОЖА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «АТЛАНТИДА ДОҲИЙЛАРИ» (12, 16, 20, 21.30); «БИРОН-БИР ДАЛИЛСИЗ» (14, 18.00).

Восток — «КАТТА ОДАМ» (11, 14, 15, 17.30, 20.45).

Фестиваль (ёзги) — «ЕҚИМТОЙ ФИРИБГАРЛАР» (21.15).

К. Ёрматов номли — «ФИДОЙИ» (тоқ соатларда).

Диққат!

«ТАШЭКС» ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги

17-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

20—30 ёшли ёшларни кенг ихтисосли экскаватор машинисти (синовчи), йиғувчи-чилангар касбларига ўқитиш учун тезлаштирилган

ҚИСҚА МУДДАТЛИ КУРСЛАРГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ — 3 ОЙ.

Стипендия — 100 сўм.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 57-алоқа бўлими, Содиқов кўчаси, 6-уй (4, 5, 24-троллейбусларнинг «Ташэкс» ишлаб чиқариш бирлашмаси бекати).

Телефонлар: 68-68-09, 68-68-74.

В. И. ЛЕНИН НОМИ... ТОШКЕНТ ДАВЛ... ДОРИЛФУНУН... олий, ўрта махсус ва маълумотли шахслар араб, форс, афғон, ҳи... ду, хитой ва япон т... бўйича 2 йиллик кечк... лик шарқ тиллари ку... рига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАД...

Машғулотларни В. И... нин номидаги Тошке... лат дорилфунуни шар... лиётининг етакчи ... фессорлари, ўқитув... олиб борадилар.

Тингловчилар тил... машғулотлардан ... хорижий Шарқ ма... лари маданияти тари... лан ҳам танишадилар.

ҲУЖЖАТЛАР ЙИЛ 1 АВГУСТДАН ... ЛАБ ЯКШАНБА ВА ... ШАНҒАДАН ТАШ... ҲАР КУНИ СОАТ 1... 15.00 ГАЧА ҚУЙИ... МАНЗИЛДА ҚАБУЛ ... ЛИНАДИ: Тошкент ... 95, Форобий кўчаси, ... Шарқ куллиёти.

Ҳамза район халқ ... ми бўлимига қарашли ... мактаб касаба уюшма... митетининг йўқолган ... МУҲРИ ВА ШТАМ... **БЕКОР ҚИЛИН...**

Киров район соғлиқ... лаш бўлимининг 12... линикасига берилган ... серияли, 043701—... номерлардаги йўқол... ТОЗА КАСАЛ... ВАРАҚАЛАРИ **БЕКОР ҚИЛИН...**

Тошкент шаҳар ... районидаги 267-ўрта ... томонидан **Тўхтабоев Абдукаримович** номи... рилган 003544 номер... қолган ЎРТА МАЪЛУМО... ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИН...**

Тошкент шаҳридаг... Никоҳ уйининг ДИЗ... сериядаги 002654, ... 002656 номерли; У... риядаги 441601, 441603, 441604, 441606, 441607, 441609, 441610, 438469, 438470, 448472, 438473, 438475, 438476, 438... мерли никоҳ тўғр... тамғали гувоҳнома... йўқолган ТОЗА БЛАНКАЛ... шунингдек, йўқол... ДУМАЛОҚ МУҲ... **БЕКОР ҚИЛИН...**

Тошкент шаҳар ... комитетининг Адлия ... маси.

ТОШКЕНТ оқшоми

(«Вечерний таш... орган Ташкентского Компартии Узбекист... родского Совета нар... путатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ... нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси ... шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Лен... часи, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус мустақил чиқади.

Р — 10152.

140.390 нусхада чоп этилади. Индекс 64690.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.